XALQ DEPUTATLARI SHOFIRKON TUMANI KENGASHI
QARORI

Shofirkon tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 4-uy. Tel: (365) 502-20-04

2023 - yil 3 - mart VI-75-29-2-41-K/23 Shofirkon tuman hokimligi

Шофиркон туман маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларига асосан Халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Туман ҳокимининг туман маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан иловага мувофиқ маблағлар йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Туман ҳокими в.в.б Н.Рахмонов, туман ҳокимлиги молия бўлими (Н.Наимов) билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган параметрларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришларни киритиш вазифаси топширилсин.

3. Туман бўйича ғазначилик бўлинмаси (Д.Жабборов) ажратиладиган маблағларни белгиланган тартибда “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида мақсадли ишлатилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокими в.в.б Н.Рахмонов зиммаларига юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Sessiya raisi **A.A.Obidov**

Xalq deputatlari Shofirkon
tuman Kengashining
2023 yil 3 martdagi
VI-75-29-2-41-K/23-son
qaroriga
1-ilova

Шофиркон туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил бошида шаклланган эркин қолдиқ ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар

минг.сўмда

№	Тадбирлар номи	Маблағ олувчи ташкилот номи	Ажратиладиган маблағлар миқдори
1.	Бухоро вилоят ҳокимининг 2019 йил 30 декабрдаги 635-сонли қарори 2- ва 4-бандлари, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 14 январдаги 132/24-VI-сонли қарори 3-банди ҳамда Шофиркон туман ҳокимининг 2020 йил 9 январдаги 14-сонли қарори ижросини таъминлаш харажатлари	Туман ҳокимлиги	107 301,1
2.	Халқ депутатлари туман Кенгаши котибиятига компьютер (ноутбук) сотиб олиш харажатлар	Туман ҳокимлиги	7 000,0
3.	Ижро интизоми ягона идоралараро электрон тизими ijro.gov.uz харажатлари	Туман ҳокимлиги	14 141,6
	Жами	**xxx**	**128 442,7**